

# ТУРОН ҚОПЛОНИ

«Хоразмшоҳ Алоуддин  
Муҳаммад кейинчалик  
Жалолиддин кўрсатган ва  
мумкин бўлган қаршилик  
ҳаракатининг учқунини  
ҳам кўрсата олмади»  
Бартольд

Иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи, энг ҳаяжонли дамлари. Бундай вазиятда Ватан ҳимоячиларига таъсир этувчи, уларни руҳлантирувчи ҳар қандай куч катта аҳамиятга эга.

Шундай пайтда ёзувчимиз Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмаси дунёга келди. Ўтмишда Чингизхондай қудратли кучга қарши тура олган, мардонавор курашган Ватан тиргаги – Жалолиддин Мангубердининг қаҳрамонликларини жонлантира олган драма Иккинчи жаҳон уруши йилларининг жанговар вазифаларига ҳам катта хизмат кўрсатди.

Мазкур асар театрда сахналаштирилди. Манбаларда кўрсатилишича, Мангубердининг кишида ҳаяжонли фахр туйғусини жунбушга келтира оладиган қаҳрамонликлари акс этган мазкур драма урушга кетаётган аскарларга махсус намоиш қилинган экан. Бу эса Она Юрт қалқонларида жанговар руҳ ва шижоат уйғотиб, душманга нафратни кучайтирган.

Ватанпарварлик туйғусининг кучайишига сабаб бўлгучи ана шундай буюк ажлодларимизнинг, хусусан, Жалолиддин Мангубердининг жасоратлари асрлар ўтса ҳамки, ўз қадр-кимматини, аҳамиятини йўқотмайди. У кишида Олий Туйғуга хизмат қилиш импульсини жўш урдириб туради...

Жалолиддин Мангубердининг яқин аъёнларидан бири бўлган, машҳур тарихчи Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий уни шундай тасвирлаган: «...У бугдойранг, ўрта бўйли, туркий кифоли ва туркийда гапирадиган одам эди, шу билан бирга, форсийда ҳам сўзлаша оларди. Унинг мардлиги, жасурлигига келсак, жанглардаги фаолиятини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. У шерлар орасида энг зўр шер эди, кўркмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У... жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб

кўярди, кам гапирарди...»

Тарихчи Бартольд Мангубердини сифатлар экан, унга шундай баҳо беради: «Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад кейинчалик Жалолиддин кўрсатган ва мумкин бўлган қаршилик ҳаракатининг учқунини ҳам кўрсата олмади». Дарвоқе, шу ўринда Мангубердининг отаси — Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад ҳақида турк тарихчи олими Ойдин Тонарийнинг ёзган баъзи бир маълумотларини келтириб ўтсак.

Тарихда буюк из қолдирган хоразмшоҳлар сулоласининг машҳур сиймоларидан бири бўлган Алоуддин Муҳаммад (ҳукмронлик давралари 1200-1220 й.) даставвал

ғур султонлари Шихобиддин ва Гиёсиддин билан жанг қилди. **Ғурийлар** Марв, Тус ва Хуросонни қўлга киритиш ниятида эдилар. Алоуддин Муҳаммад Нишопур, Марв, Сарахсни забт этди. Ундан сўнг, Хоразмшоҳ кўп жанглар

«...У шерлар орасида энг зўр шер эди, кўркмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У... жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб кўярди, кам гапирарди...»



ўтказди, гурийларни кучсизлантириб, уларнинг кўп ерларини тортиб олди. Бора-бора, бир вақтлар қудратли ҳисобланган гурийлар давлати Алоуддин Муҳаммаднинг таъйини сабаб парчаланиб кетди.

Бундай натижаларга кўп жиҳатдан қорахитойлар орқали эришган Алоуддин Хоразмшоҳ, ўзи вассал бўлган

Аслини олганда, қатл этилганлар савдогарлар ниқобидаги жосуслар эканлиги аён бўлса ҳам, аниқ исботлар йўқлиги сабаб, бу ўта жиддий сиёсий хато бўлди. Бу мудҳиш воқеа неча-неча минглаб мусулмонларнинг ҳалок бўлишига олиб келди.

қорахитойларга қарши юришлар қилиб, уларни енгди. Ундан кейин Хоразмшоҳ Табаристонда бовандийлар ҳукмронлигини йўқ қилди, Самарқанд султони Усмонни ўлдириб, қорахонийларни тарих сахнасидан бутунлай чиқариб юборди. Дашти кипчоқдаги кўчманчи кипчоқларнинг устидан ҳам ғалаба қозонган Алоуддин Муҳаммад 1215 йилда Сиғноқни ўз давлатига қўшиб олди.

Айни пайтда Эрон ва Афғонистонда ҳам обрўси ошиб бораётган Хоразмшоҳ Ғазнани ва унинг атрофини босиб олди. Бу ерларни у ўғли Жалолиддин Мангубердига берди. Алоуддин 1217 йилда Форс отабеги Саъд ибн Занги ва Озарбайжон отабеги Ўзбекни енгиб, ўз итоати остига олди.

Шундай қилиб, Хоразмшоҳлар империяси янада кенгайиб, Сирдарёдан Ироқи Арабга чўзилган улкан ҳудудга эга бўлди ва ўша давр ислом оламининг энг қудратли давлатига айланди.

Бирок шундай қудратли султон Алоуддин Муҳаммад ўз давлат механизмига тамомила ҳукмрон бўла олмади. Мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатида ўзига хос диархия — иккиҳокимлик тузуми вужудга келган: мутлак ҳукмдор деб султон Муҳаммад ҳисобланарди, иккинчи тарафдан у ўз онаси Туркон хотуннинг итоатида эди. Туркон хотун эса давлатнинг ички ва ташқи ишларида иккинчи ҳукмдор, айрим масалаларда ҳатто султонга мухолиф ҳам эди. Хоразмшоҳнинг буйруқ ва фармонлари кўпинча қудратли Туркон хотун томонидан бекор қилинар ва ҳеч қандай кучга эга бўлмай қоларди.

Шихобиддин ан Насавий шундай ёзган: «...Хоразмшоҳ онасига қарши чиқолмас эди... кичик ишларда ҳам, жиддийларида ҳам, аҳамиятсизларида ҳам. Бу икки сабабга кўра эди: биринчиси, фарзандлик бурчи бўлса, иккинчи ва энг асосийси, мамлакатнинг барча амирлари

онасининг уруғидан эканлиги».

«Жаҳон ҳокими» деган лақабга эга бўлган Туркон хотун фақат султонга ҳукмини ўтказибгина қолмай, балки молия ишларини ҳам бошқарарди ва амирлар ва амалдорларга ҳам фармон берарди. Бу ҳолат мўғуллар истилоси арафасида хоразмшоҳлар давлатидаги аҳволнинг барқарорлигини бирмунча йўқотди.

...1218 йилда Мовароуннаҳрга келган Чингизхон элчилари Алоуддин томонидан қабул қилинди. Икки ўртада савдо шартномаси тузилди. Бирок Чингизхоннинг савдогарлар қарвони Ўтторга келганда шу ернинг ноиби Инолхон уларни қатл этиб, мол-дунёларини тортиб олди. Аслини олганда, қатл этилганлар савдогарлар ниқобидаги жосуслар эканлиги аён бўлса ҳам, аниқ исботлар йўқлиги сабаб, бу ўта жиддий сиёсий хато бўлди. Бу мудҳиш воқеа неча-неча минглаб мусулмонларнинг ҳалок бўлишига олиб келди.



Чингизхон уч кечаю уч кундуз танҳо ўзи ибодатда бўлиб, худога илтижо қилган экан: «Эй, Парвардигор! Эй тозик ва туркларнинг яратгувчиси! Бу жанжални бошлаган мен эмасман, қасос олишга қувват бер!»


Ғазабланган Чингизхон, Инолхонни беришни талаб қилиб, Муҳаммад ҳузурига ибн Кафраж Бугра исми машҳур киши бошчилигидаги элчиларини юборди.

Бирок Хоразмшоҳ ўғли Жалолиддин Мангубердининг сўзига қирмай, Инолхонни Чингизхонга бермайди. Бу ҳам етмаганидай, ибн Кафраж Бугра ва унинг ҳамроҳларини қатл эттиради.

Бугранинг ўлдирилишидан ниҳоятда тушқунликка тушган Чингизхон уч кечаю уч кундуз танҳо ўзи ибодатда бўлиб, худога илтижо қилган экан: «Эй, Парвардигор! Эй тозик ва туркларнинг яратгувчиси! Бу жанжални бошлаган мен эмасман, қасос олишга қувват бер!»

...Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳ харбий кенгаш чақиради. Унда атоқли давлат арбоби Шаҳобиддин Абу Саъд ибн Имрон ал-Хивакий Алоуддинга барча лашкарлар билан (600 минглик!) Чингизхонга қарши чиқиш керак,

Тупроққалъа



Жалолиддиннинг фикри бўйича, душманни Мовароуннаҳрга киритиб, сўнг маҳаллий ерни душманга нисбатан яхши билганликдан фойдаланиб, уни яқсон этиш кўзда тутиларди. Бирок...

деган таклиф билан чиқади. (Чингизхоннинг кўшинлари сони Хоразмшоҳникидан 3-4 баробар кам эди!) Мангуберди ҳам фойдали маслаҳат беради. Унинг фикри бўйича, душманни Мовароуннаҳрга киритиб, сўнг маҳаллий ерни душманга нисбатан яхши билганликдан фойдаланиб, уни яқсон этиш кўзда тутиларди. Бирок... Алоуддин Муҳаммад бу таклифларни рад этиб, оарча қушинини шаҳар ва қалъаларга бўлиб, парчалади. Натижада, Чингизхонда рақиб кучларини биттама-битта, осонгина кириб ташлаш имкони туғилди ва у буни уддалади ҳам.

...Биринчи зарбани Чингизхон 1219 йилда Ўтрорга берди. Бунинг муҳим сабаби бор эди: Чингизхоннинг ўз ҳисоб-китоби бўлган Инолхон бу шаҳарнинг ноиб эди. Ўтрор беш ой камал қилиниб, Инолхоннинг одами Хожиб Қорача хоинлиги сабаб, ишғол қилинади. Инолхонни Чингизхон ҳузурига олиб келишади. Сўнгра, унинг кўзлари ва қулоқларига қумш эриттириб қуйишади...

Хожиб Қорачани эса Чингизхоннинг ўғиллари олдига олиб келишганда, улар: «Сен ўз хожанга нисбатан хоинлик қилдинг. Ваҳоланки, у сенга кўп яхшиликлар қилган ва сендан миннатдорлик кутишга ҳақли эди. Шунинг учун биз сенинг содиқлигинга ишонмаймиз», деб қатл этириб юборадилар.

Вазиятнинг қулайлигидан ва саросимага тушган, ён-атрофидаги аъёнларига шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган Алоуддин Муҳаммаднинг ахволдан фойдаланган Чингизхон Мовароуннаҳрнинг дастлаб энг йирик шаҳарларини босиб ола бошлади, шундан сўнг кучсизроқ вилоятларини осонлик билан забт этади. Тарихда мисли кўрилмаган қатлиомлар рўй беради, мусулмонлар қони дарё бўлиб оқади. Тарихчилар айтганидек, «бунда таслим бўлганлар ҳам, қаршилик кўрсатганлар ҳам омон қолмадилар». Вазият шу даражага етиб келдики, Балхдан Тусга аранг қочган Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Давлатобод яқинида бўлиб ўтган жангда зўрға жонини қутқариб қолди. Изма-из қувиб келётган дахшатли таъқибдан жонсарак бўлиб қолган Муҳаммад султон Ҳазар денгизининг жанубишарк қисмидаги Абискин оролларида бирига яширинди. У ерда ҳасталаниб, қашшоқлик ва хор-зорликда 1220 йили вафот этди. Энг фожиалиси, бир вақтлар оламни ларзага келтирган, қудратли империянинг ҳукмдори, беҳисоб бойликлар эгаси Алоуддин Муҳаммадга ҳатто арзирли бир жой ва ҳатто қафанлик ҳам топилмади. Унинг мулозимларидан бири ўз қўйлагини йиртиб, қафанлик қилиб ўради...

Султон Алоуддин Муҳаммад ўлимидан бир неча кун олдин ўғиллари Жалолиддин, Окшоҳ ва Ўзлок-



Султон Алоуддин Муҳаммад ўлимидан бир неча кун олдин ўғиллари Жалолиддин, Окшоҳ ва Ўзлокшоҳни ҳузурига чорлаб, «Мангубердидан бошқа ўчимни оладиган, бу ҳаракатни тўхтатадиган ўғлим йўқ. Уни ворис этиб тайинлайман. Унга итоат этингиз» деди ва қиличини ўз қўли билан қатта ўғлининг белига боғлади.

шоҳни ҳузурига чорлаб, «Мангубердидан бошқа ўчимни оладиган, бу ҳаракатни тўхтатадиган ўғлим йўқ. Уни ворис этиб тайинлайман. Унга итоат этингиз» деди ва қиличини ўз қўли билан қатта ўғлининг белига боғлади. Шу билан айтиш мумкинки, Туркон хотун томонидан тайинланган султон — Ўзлокшоҳ ворислиги бекор қилинди. Шундай қилиб, Жалолиддин Мангуберди энг мушқул, таҳликали вазиятда ўзи йўғ-у, номигина бор давлатнинг султонига айланди.

... Фожиалар гирдобиди қолган Жалолиддин пойтахт Гурганжга келганда укаси Ўзлокшоҳ томонидан уюштирилган суикасд қурбонига айланишига оз қолди. Фитнадан ўз вақтида хабар топган Мангуберди Темур Малик қўмондонлигидаги 300 суворий билан Хуросон тоғларига, ундан ўтиб, Насага кетишга мажбур бўлди.

Янги султоннинг укалари эса Хоразмда уч кунгина тура олдилар, холос. Улар мўғулларнинг Мовароуннаҳрга шиддат



Душманга тўсатдан ҳужум қилган Жалололиддин Мангуберди тактика жиҳатидан тўғри иш қилди ва ғалаба қозонди. Бу Хоразмшоҳлар давлатига бостириб кирган Чингизхонга қарши ҳаракатнинг илк ғалабаси эди.

билан бостириб келаётганларини эшитиб, Жалололиддин изидан Хуросонга кочдилар. Бирок Окшоҳ ва Ўзлокшоҳ Нишопурга етганларида мўғуллар уларни қувиб етдилар. Оқибатда икки шахзода ўлдирилди. Мўғуллар уларнинг бошларини найзаларга илиб, халққа намоёиш қилдилар...

Бу пайтда Жалололиддин Шояқон тепалиги ёнида мўғул лашкари билан тўқнаш келган эди. Душманга тўсатдан ҳужум қилган Жалололиддин Мангуберди тактика жиҳатидан тўғри иш қилди ва ғалаба қозонди. Бу Хоразмшоҳлар давлатига бостириб кирган Чингизхонга қарши ҳаракатнинг илк ғалабаси эди. Бундан хабар топган халқ бирдан жонланди, мўғулларни «енгиб бўлмас куч» деб тушқунликка тушганлар кўнгида илинж пайдо бўлди. Зеро, бу пайтга келиб, мўғуллар Хоразмшоҳлар мамлакатига тарих хали шохиди бўлмаган қирғинбаротлар уюштириб, халқнинг қаддини букиб қўйган эдилар. Айниқса, Гурганжда бўлиб ўтган фожиа ўзидан қонли хотира қолдирган эди. Унда босқинчилар шаҳарни забт этишгач, тирик қолган барча аҳолини ташқарига олиб чиқдилар ва уларнинг орасидан 100 минг хунармандни Мўғулистонга юбориш учун ажратиб олдилар. Сўнгра пойтахт Гурганжнинг барча тирик қолган эркак ва болаларини сўйиб ташладилар. Шундан сўнг мўғуллар асира аёлларга яланғоч бўлишни буюрдилар ва уларни икки гуруҳга бўлдилар. Чексиз жасорат кўрсатиб, Ватани озодлиги йўлида қилич кўтарган бу аёлларга шундай дедилар: «Жуда яхши жангчи экан-

сизлар. Бас, шундай экан, бир-бирларингиз билан муштлашиб, уришинглар!». Аёллар бу аянчи буйруққа мажбуран итоат эткизилдилар. Бу разил томоша билан кўнги очган мўғуллар тирик қолган аёлларни бурдалаб ташладилар...

Бу фожиадан сўнг босқинчилар пойтахтни талон-тарож қилдилар. Кейин Амударё тўғонини буздилар. Улкан шаҳарни сув босди. Ниҳоятда қимматбаҳо маданий ёдгорликлар, бой кутубхоналар сув остида қолди... Энг ачинарлиси, бу тақдир биргина Гурганжнинг пешонасига ёзилмаган эди...

Қонли воқеалар қалбини тирнаган Мангуберди тезда ҳимояга шайланди. 1221 йилда Ғазнага борган Жалололиддин Сайфиддин Бугроқ, Амин Малик, Ҳасан Қозлок каби машҳур саркардалар ва ғурий амирлар ўзларининг қўшинлари билан қўшилдилар. Зеро, турк тарихчиси Ойдин Тонарий ёзганидек, Жалололиддин Мангуберди юксак ташкилотчилик, стратегик ҳушёр ятига эга эди. Хуллас, Хоразмшоҳнинг қўшини 130 мингга етди. У Ғазнадан чиқиб, Валиён қалъасини камал қилиб турган мўғуллар устига туйқусдан ҳужум қилди ва ғалаба қозонди.

Бундан хабар топган Чингизхон бу ўлкада энг қудратли рақиби ким эканлигини, Алоуддин Муҳаммаднинг енгиш билан хали ғалабага эришмаганини ҳис қилди. Ғазабланган Чингизхон ўғли Туғлуқхон ва қудратли Шиғи Қутку нўён бошчилигидаги 45 минглик энг сара лашкарларини ҳужумга юборди. Ислоҳ дунёсининг ягона қудратли тиргагига айланган Жалололиддин душманни Парвонда қарши олди. Жанг пайтида Мангубердининг ўзи биринчи бўлиб Қутку нўён қўшин қисмига от солди ва унинг жанговар сафини бузиб ташлади, хаттоки, байроқларини ҳам отининг пойида топташга, нўённи чекинишга мажбур қилди. Бундан руҳланган Хоразмшоҳ лашкари душманни киришга тушди. Насавийнинг ёзишича, ҳужум айна кучайган пайтда Чингизхон ўғли Туғлуқхон ҳалок бўлади. Мангуберди жангда ғалаба қозонади. Омон қолган мўғул аскарлари Чингизхон олдига қочадилар ва у қўшиб берган тарихчи тили билан айтсак, «еру кўкка сиғмайдиған, агар бир жойга тўпланса, пасттекисликларни тўлдириб юборадиган даражадаги қўшини билан Жалололиддинга қарши отландилар».

Аmmo минг афеуски, бу пайтга келиб, Мангуберди томонига жангдан қатта ўлжа тушган, уни бўлишни жараёнида лашкарбошилар ўртасида низо чиққан эди. Натижада, Жалололиддиннинг умумий душман — мўғулларга қарши жипслашиш ҳақидаги илтимосларига қарамай, ҳалажлар, афгонлар ва қарлуқлар уни ташлаб кетдилар. Пировардида, Жалололиддин энг муҳим қучларидан айрилди ва бу мўғуллар учун айна муддао эди. Тақдирни қарангки, Чингизхон биринчи бўлиб худди ана шу хоинларни биттама-битта тугиб, кириб ташлади...

Энди Чингизхон Жалололиддинни бутунлай мағлуб қилишга тиш-

Шундан сўнг, мўғуллар асира аёлларга яланғоч бўлишни буюрдилар ва уларни икки гуруҳга бўлдилар. Чексиз жасорат кўрсатиб, Ватани озодлиги йўлида қилич кўтарган бу аёлларга шундай дедилар: «Жуда яхши жангчи экан-

тирноғи билан киришди. Мангуберди кўшини озлиги сабаб, Ғазнадан кетди. Унга етиб олган мўғулларга Жалолиддин кутилмаганда хужумга ўтиб, таъкиб килувчиларни яқсон этди-да, рақибни бир оз тўхташга мажбур қилиб, яна узоқлашди.

Чингизхон ҳолдан тойган Жалолиддин кўшинларига Синд дарёси бўйида етиб олди. Дарё бўйидаги уч кунлик жанг, Жуъзжонийнинг таърифлашича, шундай шиддатли бўлдики, унинг олдида аввалги жанглар худди болаларнинг ўйинидек эди.

«Султонга ўк отманглар, у менга тириклайин керак!» — Чингизхоннинг бу амрини эшитган мўғуллар Жалолиддин атрофидаги ҳалқани аста-секин торайтириб бордилар. Мангуберди ниҳоятда мушкул аҳволда қолди ва мўр мановдай ёпирилиб келаётган беҳисоб душманга кучи етмаслигини ҳис қилди. Шундан сўнг, у тарихда номини янада абадийлаштирган ишни қилди: душман кўлига тушиб, хор бўлмасин деб, ўз харамини — онаси, аёли, фарзандларини дарёга фарқ қилдирди... Ўзи эса тулпоридан бутун уст-боши билан дарёга сакради. Аллохнинг қудратини қарангки, шундай суронли, «асов» дарёдан кирғоққа омон-эсон чиқиб олди.

Жалолиддиннинг жасорати Чингизхонни ҳайратга солди. У Жалолиддин кетаётган тарафга кўли билан ишора қилиб, ўғилларига деди: «Ўғлинг бўлса унингдай бўлса! У шундай кирғинбарот жанг майдонидан ва дарё гирдобидан қутулиб, ҳимоя кирғоғига чиқа олдим, демак, ундан яна кўп қахрамонлиқлар ва сон-саноксиз ташвишлар кутиш мумкин!»

Қадди буқилмас Мангуберди бу воқеалардан сўнг ҳолдан тойиб Ҳиндистонга йўл олди. Унинг тинкаси қуриган, енгилганини эшитган Шатра ранаси (подшоҳи) яхшигина ўлжага эга бўлмоқчи бўлди ва Жалолиддинга хужум қилди. Шундоқ ҳам алами зиёда бўлиб турган Хоразмшоҳ ғазабланиди ва бутун қаҳрини ёвга қаратди. Унинг лашкарини тор-мор этиб, шахсан ўзи ранани ўлдирди. Қурол-яроғга муҳтожлик сезаётган Жалолиддин учун бу айни муддао бўлди.

Шу воқеа сабаб, Хоразмшоҳнинг Ҳиндистондаги обрўси бирдан ошиб кетди: унга Сунд, Учча, Мўлтон, Лоҳўр ва Пешовар ҳукмдори султон Насириддин Кубача хушомад тўла мактуб ёзиб, тобелигини билдирди. Бир оздан сўнг, Мангубердига четдан лашкарлар келиб қўшила бошлади ва Жалолиддиннинг жанговар руҳи яна жўш урди. Психологик жиҳатдан ҳам ўзини ўнглаб олган Жалолиддин Ҳиндистон ўлкаларига хужумлар уюштирди, ғалабаларга эришди ва бу Насавий айтганидек, «ўз ўқчиларининг яланғоч баданини беркитишга ва гадо отликларини кийинтиришга имкон берди». Шу ўринда айтиб

Чингизхон ҳолдан тойган Жалолиддин кўшинларига Синд дарёси бўйида етиб олди. Дарё бўйидаги уч кунлик жанг, Жуъзжонийнинг таърифлашича, шундай шиддатли бўлдики, унинг олдида аввалги жанглар худди болаларнинг ўйинидек эди.

Чингизхон бу ўлкада энг қудратли рақибни ким эканлигини, Алоуддин Муҳаммаднинг енгиллиги билан ҳали ғалабага эришмаганини ҳис қилди.

ўтиш жоизки, Жалолиддиннинг бу зафарларига эришувида унинг руҳий ҳолати меъёрда бўлиши катта ўрин тутган. Бундан кўринадики, Мангуберди ҳиссиётли инсон бўлган.


Жалолиддин Ҳиндистонда кўп ерларни забт этгач, у ерда ўз номида тангалар зарб эта бошлади, барча маҳаллий мулкларда унинг номига хутба ўқилди.

Мангубердининг Ҳиндистондаги зафарли юришлари орасида бир қизик воқеа рўй берган эди: Жалолиддин Девош шаҳрига етиб келганида, ўлка ҳокими қўриқиб қочиб кетди. Чунки бу пайтга келиб, Хоразмшоҳдан бу минтақадаги барча ҳукмдорлар ҳадиксираб қолган эдилар.

У босиб олган барча ерларига бутхоналар ўрнига масжидлар кўра бошлади.

Отасининг ўлимидан сўнг укалари билан бўлган зиддиятлар Жалолиддинни кўп қалғитди.

Мангуберди укаси Ғиёсиддин ҳукмронлик қилаётган Исфохонга борганида ўлка хазинаси унга топширилди. Табиийки, бу иш айни чоғда Райда турган Ғиёсиддинга ёқмайди. У зудлик билан 30 минг суворий тўплаб, хужумга ҳозирлик кўра бошлади. Атиги 5-6 минг аскарни бўлган





Жалолоддин кетаётган тарафга қўли билан ишора қилиб, ўғилларига деди: «Ўғлинг бўлса унингдай бўлса! У шундай қирғинбарот жанг майдонидан ва дарё гирдобидан қутулиб, ҳимоя қирғоғига чиқа олдим, демак, ундан яна кўп қахрамонликлар ва сон-саноксиз ташвишлар кутиш мумкин!»

Жалолоддин бундан хабар топиб, укасига шундай мактуб ёзади: «Султон отамизнинг вафотидан буён чеккан азобларимга тоғлар ҳам чидаш беролмайди. Бугун бу дунё менга торлик қилиб қолди. Меросдан олган ва қўлга киритган бор-будимдан мосуво бўлдим. Бир неча кунлик истироҳат учун ёнингга келдим». Жалолоддин мактубга қўшиб, Байрувон жағғида Чингизхоннинг ўғли Туғлуқхондан ўлжа олган от ва қилични юборди.

Бундан кўнгли тинчиган Фиёсиддин аскарларига ўз иқтёларига қайтиб кетишга рухсат берди ва шу тарика қўшинини таркатиб юборди.

Шу ерда Жалолоддин хийла ишлатди: Фиёсиддиннинг амирларига қимматбаҳо узуклар тухфа қилиб, уларни ўз тарафига олдириб олди. Кейин Хоразмшоҳ бирдан ҳаракатга келиб, Оқута мавзесига турган Фиёсиддиннинг қодирига ҳужум қилди. Қочиб қутулган Фиёсиддин Саликон қалъасига яширинди. Жалолоддин укасининг қодирига кирди ва у ерда Фиёсиддиннинг онаси (ўзининг ўғай онаси)га дуч келди ва шундай деди: «Отамнинг иқтидорига эришган ўғиллари орасида Фиёсиддинга бўлган меҳрим ўзгачадир. У менинг кўрар кўзим, тутган қўлимдир, ҳатто ундан ҳам ортиқроқдир», деди. Кўп ўтмай, Фиёсиддин қайтиб келди ва оғасига ўз итоатини изҳор қилди...

Шу воқеадан сўнг, Хуросон, Ироқи Ажам ва Мозандарон ҳукмдорлари унинг оёғига бош уриб, тобеликларини билдирдилар. Вазирлар, ҳокимлар ўз фаолиятларига киришдилар. Шу тарика, Жалолоддин бу суронли ва таҳликали вазиятга Янги давлат барпо этишга муваффақ бўлди. Бу албатта, Чингизхонни ташвишлантирмай қолмасди...

Эндиликда, халқ Жалолоддинда ҳалоскорни кўра бошлади, бутун мусулмон олами эса уни Исломининг ҳимоячиси, деб тан ола бошлади.

Хоразмшоҳнинг нигоҳи эса энди Озарбайжонга қадалди. Тез орада бу ерларни ҳам босиб олган Мангуберди Табризни Янги барпо этган давлатининг пойтахти этиб белгилади. Энди Жалолоддиннинг давлати таркибига бутун бошли Аррон ҳам кирди.

Султон Озарбайжонни босиб олганидан сўнг, ундан хавфсираб, чўчиб қолган гуржилар (грузинлар) Двин теграсидаги Гарни (ўрта аср қалъаси, унинг харобалари Ереваннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган)га 60 минглик лашкарни йиғдилар. Уларнинг намоишқорона хатти-ҳаракатлари орқасида Султон билан қўшни хавфдан кўрқув ва ваҳима яширинган эди.

Ваҳоланки, айтиб ўтиш керак, Гуржистон бу пайтда буюк Уйғониш даврини бошидан кечираётган эди. Бу давлат ҳарбий жиҳатдан ҳам анча қудратли эди.

Улар бу йиғинни кўриб, Султон чўчийди, ҳамкорлик қилишга уринади ва омонлик тилаб келади, деб ўйладилар. Бирок улар кутгандай бўлмади, Жалолоддин бунга

жавобан, одатига кўра қулимсираб қўйди ва улар устига тап тортмай қўшин тортди. Душманнинг 2-3 баробар кўплиги ҳам уни чўчитмади.

Тоғ бағрида гуржилар ҳудди зулмат сингари ёйилиб, Хоразмшоҳни кутиб турардилар. Уларнинг Султонни кўрган захоти қилган биринчи қилиқлари — осмонни тешиб юборгудай қилиб кичкиришлари бўлди.

Икки томон орасида шиддатли жанг бўлиб ўтди. Оқибат шу бўлдики,

Султон Озарбайжонни босиб олганидан сўнг, ундан хавфсираб, чўчиб қолган гуржилар Двин теграсидаги Гарнига 60 минглик лашкарни йиғдилар.

гуржилар мағлуб бўлиб, Хоразм қўшинидан аранг қочиб кутулдилар.

Тарихчиларнинг ёзишича, уруш арафасида Шалва (гуржиларнинг энг қудратли лашкарбошиси) ракиб тараф элчисини кутиб олганида йиккан қўшинини пеш қилиб, шундай деган экан: «Мен айни шу пайтда, давримда амир ал-мўминин Али (ибн Абу Толиб ҳазрати Али, тўртинчи халифа) тирик бўлишини истардим. Шунда мен унга куч қандай бўлишини кўрсатиб қўярдим, у Бадр ва Хайбар жангларини эсдан чиқарарди». Шалванинг бу мактанчоқлиги асосида Бадр жанги — 624 йилнинг мартада Муҳаммад (с.а.в.) тарафдорлари томонидан Ислом дини учун кураш жанги назарда тutilган. Бу кураш Арабистон ярим оролида исломнинг кенг тарқалишига йўл очиб берган. Хайбар — Мадина ва Дамашк оралиғида жойлашган воҳа. 628 йилда Муҳаммад (с.а.в.) томонидан забт этилди. Ривоят қилишларича, ҳазрати Али иккала жангда ҳам ноёб жасорат кўрсатган.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, Шалва жуда бақувват, улкан гавдали киши бўлган. У асир олинган, Жалолдиннинг ҳузурига олиб келинади. Шунда Султон унга шун-

Мўғул лашкарбошиларида бири Тайнал нўён Жалолдиннинг бу жангдаги жасоратини кўриб, шундай деган экан: «Ҳақиқатан ҳам, у ўз даврининг баҳоидири ва тенгқурларининг дохийсидир!»

Жалолдин Мангубердиннинг Ватани, миллати ва динининг гурурини барча нарсдан устун қўйишини тарихчиларнинг ушбу келтирмаларидан ҳам билса бўлади.

...Хилотни камал қилиш пайтида Жалолдин синглиси Хонсултондан хат олади, у тақдир тақозоси билан Чингизхоннинг ўғли Жўжининг хотини бўлган эди. Мактубда шундай дейилган эди: «Сенинг қудратинг, кучинг ва мулкларингнинг улканлиги ҳақидаги хабар Хоконга етди. Шунинг учун у сен билан қариндош бўлишга қарор қилиб, мулкларингиз чегарасини Жайхун дарёси бўйича ўтказиш ҳақида келишиб олмакчи. Сенга — дарёгача бўлган, унга — дарёдан наридаги ерлар. Шунинг учун, агар сен уларга қарши туришга куч йиғолсанг, қасос ол, агар енгсанг, хоҳлаганингча иш тутасан. Агар енгилсанг, кўзинг етмаса, фурсатдан фойдаланиб, уларнинг истаги бўйича сулҳ туз!»

Бироқ Хоразмшоҳ хатга жавоб ҳам ёзмади, уни худ-



дай дейди: «Қани, сенинг Зулфикор қиличинг? (Ҳазрати Алининг шундай машҳур қиличи бўлган) Қани, бу қиличингнинг ҳаммани хайратга солувчи зарблари?» Шу гапдан сўнг, изза бўлган Шалва ислом динини қабул қилган экан.

Шундай қилиб, Жалолдин Мангуберди Озарбайжондаги отабеклар давлатини тарих сахнасида чиқариб юборган, Ширвон, қудратли Гуржистон империясини қулатди.

Мавқеидан мўғуллар ҳам ҳайкиб қолган Мангуберди 1227 йилнинг сентябрида асосий душман билан тўқнашди. Жанг аёвсиз кечади. Унда айниқса, мўғуллар кўп талафот кўрадилар. Бироқ жангнинг энг қизгин палласида Жалолдиннинг укаси Фиёсиддин Пиршоҳ унга хоинлик қилиб, қўшинлари билан қочиб кетади. Лекин шунда ҳам Жалолдин зафар қозонади, мўғуллар талафот кўриб, қочишга тушадилар.

**Жангнинг энг қизгин палласида Жалолдиннинг укаси Фиёсиддин Пиршоҳ унга хоинлик қилиб, қўшинлари билан қочиб кетади.**

ди керакисиз матоҳдай назарга олмади, ниятларидан қалғитувчи ундов деб билди.

Хоразмшоҳнинг атрофидаги давлатлар ҳукмдорлари — Кўниё султони Қайқубод I, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашраф ва яна бошқа ҳукмдорлар билан ижобий деб бўлмасди. Бунга кўп жихатдан Хоразмшоҳнинг сиёсий фаолияти сабаб бўлган эди. Жалолдин бу давлатлар учун агрессор ролини ўйнади.

Айнан шу омил Мангубердиннинг асосий душман — мўғуллар олдида яққаланиб қолишига замин яратди.

Хоразмшоҳнинг олдиндан билиб бўлмас, тажовузкор ҳаракатлари олдидаги қўрқув Кўниё султони Алоуддин Қайқубод I ни унга қарши иттифок тузишига олиб келди: бу иттифокка Дамашқ ҳокими Ал-Малик ал-Ашраф, Хилотнинг ҳокими Иброҳим Ширқув, Хартабарт ҳокими Артуххон, Ҳалаб ҳокими Савоб, Майофирикун султони ал-Азиз Усмонлар кирди. Ал-Ашрафга юборган

мактубида Қайқубод I бундай ёзади: «Жалолиддинни қиличсиз тўхтатиб бўлмайди; унга хушомадгўйлик қилиб ҳам бир иш чиқазолмаяпмиз. Энди сўзларимиз ва ишларимизни келишувга олиб келсак ва мамлакатларимизни химоя қилсак, бас».

1230 йил 7 августда Арзинжон яқинидаги Ясси Чаман текислигида Алоуддин Қайқубод I ва Хоразмшоҳ ўртасида илк тўқнашув бўлиб ўтди. 700 отлик билан душмanning 3000 кишилиқ сараланган суворийларига қарши борган Жалолиддин ғолиб бўлди, рақибини яқсон қилди. Бироқ Хоразмшоҳ ғалабадан тўлиқ фойдалана олмади: мағлубларни таъкиб этиб ўтирмади ва унинг бу сусткашлиги душманни тор-мор бўлишдан халос этди.

Бундан фойдаланиб, ўзини ўнглаб олган иттифокдошлар 1230 йил 10 августда жанг бошладилар. Мангубердининг лашкари мағлуб бўлади ва тарқатилиб юборилди. Жалолиддин аскарларидан ажраб, ҳилот томонга от солади.

Хоразмшоҳ лашкарининг енгилганига карамай, иттифокдошлар ҳаракатларини унинг ерларига гача давом эттирмадилар, чунки улар султоннинг чекинишини ҳийла деб тушундилар. Уларнинг қалбларини Мангубердидан кўрқув ва эҳтиром шунчалик камраб олган эдики, уни таъкиб этишга журъат эта олмадилар ва ортга қайтдилар.

Жалолиддиннинг Ясси Чаман яқинида тор-мор этилганини эшитган исмоилийлар мўғулларга Мангубердининг заифлашганини айтишади ва уларни ҳужумга ундайдилар.

1230-31 йиллари мўғуллар бу хабарни эшитиб, Озарбайжонга бостириб кирдилар ва султони холдан тойган мамлакатни тезда истило қилдилар. Мағрур, кайсар Жалолиддин Мангуберди ночор аҳволда қолганидан турли мамлакатлар ҳукмдорларидан, хаттоки, аввал рақиб бўлган давлат ҳукмдорларидан ҳам нажот истаб, ёрдамга чақиришга мажбур бўлади. Аммо ҳеч ким Ислому дунёсининг ягона химоячисига ёрдам қўлини чўзмайди... Бу ҳам етмаганидек, мўғуллар Жалолиддиннинг қишлоқларга юборилган лашкарлари тўпланмасидан бурун Мангубердига ҳужум қиладилар. Хоразмшоҳ бу аёвсиз ва оғир жангдан базўр қутулиб қолади...

1231 йил август ойида тушқунликка тушган Султон айш-ишрат ва сархушликка берилади. Шундай кунларнинг бирида Жалолиддин кучли маст бўлиб қолади ва қаттиқ уйқуга кетади. У хаттоки, ўрдасини мўғуллар ўраб олганини сезмай қолади. Унинг содиқ амирларидан бири Ўрхон аскарлари билан Мангубердини қийинчилик билан қутқариб қолади, уни маслиғича отга ўткизиб, чоптириб кетади. Йўлда Султон ўзига келади ва Ўрхонга

душман чалғийди, деган ўйда бошқа тарафга кетишни амр қилади-да, ўзи бошқа йўлдан от солади.

...Атрофда юракни махзунлаштирадиган, файзсиз жимлик... Фақат Мангуберди ва орқада таъкиб этиб келаётган мўғуллар отлари туёқларининг шиддатли дупури... Бу одимлар Ватанпарварнинг ҳаётини ҳал қиладиган даражада тахликали... Мана, Султонга иккита душман одами етиб олди. Қилич сермади, йўқ, тегмади. Найза отилди — Султон чап берди. Мангуберди жон ҳолатда бор кучини тўплади ва... Орқада келаётган душманлар икки мўғулнинг отдан қулаганини ва Хоразмшоҳнинг ўзларига қарата қиличини ҳавода сермаб, олға кетаётганини кўрдилар...

...Жалолиддин Мангуберди от чоптириб кетди... Узоқларга...

...Унинг ўлимидан сўнг, мўғуллар бунга кўп йиллар ишонмай, юрак ховучлаб юрдилар.



Орқада келаётган душманлар икки мўғулнинг отдан қулаганини ва Хоразмшоҳнинг ўзларига қарата қиличини ҳавода сермаб, олға кетаётганини кўрдилар...**Жалолиддин Мангуберди от чоптириб кетди... Узоқларга...**

Халқ химоячи оу дунедан кетганига ишонмадилар. Хизрни кўрган Мангуберди дарвешлар орасида бир сўфий кийимида ислом мамлакатларида, халқ ичида кезиб юрибди, деган ишонч билан у яна куч тўплаб бизни химоя қилади деб қутдилар. Улар ҳолдан тойган Ватанпарварнинг бир қурд томонидан номардларча ҳалок этилишига ишонгилари келмади.

Бунга хатто ҳукмдорларнинг ҳам ишонгилари келмади. Ироқи Ажам ноиб Шарафуддин Али Мангубердини излатиб ҳам кўрди. Жалолиддин улар учун енгилмас, жисман ҳам ўлмас Қахрамон эди...

Уни энди қадди эгик амирлари ҳам соғинч билан ёдга олардилар. Ўлганига ишонгилари келмасди. Бир воқеани унутиб бўлмасди. ...Исфохон яқинида мўғуллар яшириниб келаётганидан ваҳимага тушган хонлар унинг оёғига бош уришди. Жалолиддин аввалига уларни бир оз қуттириб қўйиб, сўнг бамайлихотир хузурларига чиқади. Султон хотиржамлик билан амирларига мўғуллар тўғрисида эмас, бошқа масалалардан сўз очади. Мангуберди бу билан душманни назар-писанд қилмаслигини билдирмоқчи ва амирларни тинчлантирмоқчи эди. Ниҳоят, узун

сухбатдан сўнг, Султон ҳозир бўлганларни ўтиришга таклиф этди ва мўғул масаласини муҳокама қилишга киришди.

Мангубердини сеҳр-жоду соҳиби деб, бунга ишонадиганлар ҳам унинг тирик эмаслигига шубҳаланиб қарадилар. Улар салтанатнинг сўнгги даврларида халқнинг иссиқдан ва сувсизликдан қийналаётганини кўриб, яда тоши воситасида ёмғир ёғдиришдек мўъжиза яратган Султоннинг ўлганига ишонмадилар...

*Жалолиддин Саъдиев*